



ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ўзбек геология қидирув” АЖ
Қўлатув кенгашининг
2023 йил “04” “08” даги
1023-сон Мажлис қарорига асосан
3-илова

“ЎЗБЕК ГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ” АЖНИНГ ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР ҲАҚИДА ҲАБАРДОР ҚИЛИШ СИЁСАТИ

1. Умумий қоидалар

1.1. “Ўзбек геология қидирув” АЖ (кейинги ўринларда – жамият) ходимларининг жамиятнинг Ахлоқ кодексида белгиланган юқори ахлоқ ва принципааллик меъёрларига риоя қилишларини таъминлашга интилади. Ахлоқ кодексида барча ходимлар кодекс меъёрларининг ҳақиқий ёки потенциал бузилиши ва бошқа ҳар қандай ноқонуний, қонунга хилоф, ахлоқсиз ёки хавфли ҳаракатлар тўғрисида виждонан хабар беришлари шарт эканлиги кўзда тутилган.

1.2. Жамият қоидабузарликлар тўғрисида хабар бериш мақсади, қўлланилиши, мурожаат қилиниши лозим бўлган ваколатли орган, шунингдек, виждонан қилинган мурожаатлардан сўнг, хабар берувчининг ҳимоясини таъминлашни ушбу Қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш сиёсати (кейинги ўринларда – Сиёсат) билан тартибга солади.

2. Сиёсатни қўллашнинг мақсади ва амал қилиш доираси

2.1. Сиёсатни мақсади жамият ходимларининг ўз хавотирлари ва тахмин қилинаётган қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар ҳақида хабар бериш, шунингдек, Коррупцияга қарши ички назорат бўлими ва/ёки Ички аудит хизматига уларнинг ишида ёрдам бериш мажбуриятини мустаҳкамлаб қўйишдан иборат.

2.2. Жамият ушбу мажбуриятларни виждонан бажарадиган ходимларни таъқиб қилинишини ҳимоялаш мажбуриятини олади. Сиёсат, шунингдек, ходимларга нималар ҳимояланган фаолият билан боғлиқ эканлиги, хабардор қилишнинг қайси каналларидан фойдаланиш кераклиги ва қандай истисно ҳолатларда ходим тегишли маълумотларни ваколатли ташқи томонга тақдим этиши мумкинлиги тўғрисида тушунтиришлар беради.

2.3. Сиёсат анонимлик ва махфийлик масалаларини аниқлаштиришга қаратилган бўлиб, жамият ариза берувчиларни ҳимоя қилиш ва қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай таъқиб чораларига қарши курашиш чораларини тавсифлайди.

2.4. Ушбу сиёсат акциядорлик жамиятининг барча ходимларига, шу жумладан Ижроия органи аъзоларига нисбатан амал қилади.

3. Асосий тушунчалар ва қоидалар

3.1. Белгиланган **меъёрларга хилоф хулқ-атвор** жамият ходими томонидан жамият Ахлоқ кодексига риоя қилинмаслигини англатади.

3.2. **Ҳимояланган фаолият** қаторига ушбу Сиёсатда кўрсатилган канал орқали потенциал меъёрларга хилоф хатти-ҳаракатлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган хабар юбориш киради. Ҳимояланган фаолият, шунингдек, Коррупцияга қарши ички назорат бўлими ходими ва/ёки Ички аудит хизматининг ходимига уларнинг қонуний фаолиятида ёрдам беришни ўз ичига олади.

3.3. **Таъқиб қилиш** ҳимояланган фаолиятда иштирок этиши натижасида ариза берувчига тавсия этилган, таҳдид қилинган ёки унга нисбатан қилинган ҳар қандай бевосита ёки билвосита зарар етказиш ёки

зарарли ҳаракатларни англатади. Таъқиб қилиш бошқалар қаторида, камситиб мурожаат қилиш, иш ҳақини ўзгартириш, лавозимни пасайтириш ёки бошқа жойга кўчириш ёки ишдан бўшатишни ўз ичига олиши мумкин.

3.4. **Ариза берувчи** – жамиятнинг ҳимояланган фаолият билан шуғулланувчи ходими.

3.5. Жамият ходимлари содир этилган ёки содир этилиши мумкин бўлган меъёрларга ҳилоф хатти-ҳаракатларнинг тахмин қилинган ҳолатлари ёки акциядорлик жамиятининг миссияси ва обрўсига зарар етказадиган ёки етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлар ҳақида хабар бериши керак.

3.6. Ушбу Сиёсат билан ҳимояланиш учун ариза берувчи маълумотларнинг тўғри эканлигига ишониш учун асосларга эга бўлиши керак. Била туриб ёлғон ёки чалғитувчи маълумотлар ҳақида хабар берган ходимлар ариза берувчилар ҳисобланмайди ва шунинг учун улар ушбу Сиёсатда назарда тутилган ҳимоя билан таъминланмайди. Ёлғон маълумотни юбориш меъёрларга ҳилоф ҳаракатни ташкил қилиши ва шу тариқа Коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан текширилиши, шунингдек ушбу ҳолат тасдиқланган тақдирда, интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

3.7. Жамият ходимларни улар таъқибдан ҳимояланишларини билган ҳолда ўз шубҳалари ёки хавотирлари ҳақида хабар беришга чақиради. Хабар берувчи ходимнинг шахсини аниқлаш жамиятга шикоятнинг ишончлилигини аниқлашда ёрдам бериши мумкин. Шунингдек, маълум бир шароитларда ариза берувчи ходим ўзининг шахсини аноним қолишини ёки ошкор этилмаслигини талаб қилиши мумкин.

3.8. Ҳеч бир ходим ўз мавқеидан фойдаланиб, бошқа ходимларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишига ёки ўз вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиши мумкин эмас.

4. Сиёсатнинг амалга ошириш

4.1. Ариза берувчи қоидабузарликлар тўғрисида Коррупцияга қарши ички назорат бўлимига хабар бериши, Коррупцияга қарши ички назорат бўлимида ваколатли шахс хабарларни қабул қилиш, керак бўлганда тегишли маълумот тақдим этиш ва ёрдам кўрсатиш, шунингдек, бундай хабарни олгандан кейин тегишли чоралар кўрилишини таъминлаши лозим.

4.2. Ваколатли шахс Коррупцияга қарши ички назорат бўлими раҳбари томонидан тайинланади ва у билан яқин ҳамкорликда ишлайди. Ваколатли шахс ташкилотда хабардор қилиш жараёнлари ҳақида тегишлича билимларни таъминлаш, ҳар қандай хабарларни олиш ва бундай хабарлар тегишли мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқилишини таъминлаш, шунингдек, хабарни тақдим этган томон билан алоқани сақлаб туриш ва бу борадаги янгиланишлардан хабардор қилиб туриш учун жавобгардир.

4.3. Ариза берувчи қуйидаги усуллардан бири ёрдамида хабар жўнатиши мумкин:

- бевосита Жамият бошқарув раисига;
- ишонч телефон орқали -55-503-14-63;

- электрон почта орқали info@uzgeo.uz;
- телеграм бот канали орқали [@ichkinazoratbot](https://t.me/ichkinazoratbot);
- почта орқали - 100070, Тошкент ш., Яккасарой т., Бобур к., 15 уй;
- тўғридан-тўғри Ички назорат бошқармасига (тел.: 95-505-99-00);
- Жамиятнинг Одоб-ахлоқ комиссияси раисига.

4.4. Такдим этилган хабарларни тўғри текшириш ва баҳолашни осонлаштириш учун, имкон қадар хабарга қуйидаги маълумотлар киритилиши керак:

содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисани батафсил тавсифлаш;

ҳодиса содир бўлган жой, вақт ва сана ёки қачон ва қаерда содир бўлиши мумкинлиги;

ҳодисада иштирок этган шахс(лар)нинг исми ва лавозими ёки бошқа идентификация маълумотлари;

хабарни топшираётган шахснинг исми ва лавозими, агар хабар аноним тарзда топширилмаган бўлса;

хабар ёки шикоят такдим этишга олиб келган сабаблар;

хабар қилинган фактларнинг ишончлилигини тасдиқлайдиган мавжуд ҳужжатларга ҳаволалар.

4.5. Агар ариза берувчи бу ҳақида юқорида тавсифланган усуллардан бири орқали Коррупцияга қарши ички назорат бўлимига хабар беришни истамаса, бу ҳақида у Кадрлар бўлими бошлиғига, Ички аудит хизмати бошлиғига ёки жамият директорига хабар бериши мумкин. Хабарни олгандан сўнг, тегишли қабул қилувчи дарҳол хабарни Коррупцияга қарши ички назорат бўлимига топшириши керак. Жамиятнинг бошқа ҳар қандай раҳбарига юборилган хабарлар дарҳол Коррупцияга қарши ички назорат бўлимига ёки юқорида қайд этилган жамиятнинг таркибий бўлинмаларидан бирига етказилиши керак.

4.6. Жамият аноним бўлмаган хабарларни иложи борича батафсил маълумот билан юборишни рағбатлантиради. Бу шикоятнинг асосли эканлигини аниқлаш учун кейинги ҳар қандай ҳаракатларда ёрдам беради. Ариза берувчи, шунингдек, ҳар қандай алоқа каналларидан фойдаланган ҳолда аноним равишда хабар юбориши ёки унинг шахси ошкор этилмаслигини талаб қилиши мумкин. Агар хабар берувчи шахс номаълум бўлса, ваколатли ходим хабар берувчининг шахсини ҳимоя қилиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширади. Акс ҳолда, жамият ушбу Сиёсатда назарда тутилган ҳимояни таклиф қила олмайди.

4.7. Ариза берувчининг шахси максимал даражада ошкор этилмаган ҳолда кўриб чиқилади, ариза берувчи ўз шахсини ошкор қилишга розилик берган ва қонунчилик ҳужжатларида бошқача талаблар белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолда, жамият ариза берувчи шахсини ошкор қилишдан олдин уни хабардор қилиши шарт.

4.8. Жамият ариза берувчиларга муаммолар ҳақида хабар қилиш учун ушбу Сиёсатда кўрсатилган ички каналлардан фойдаланишни тавсия

килади. Ички хабардор қилиш жамиятга инсофсиз ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш ёки белгиланган меъёрларга ҳилоф хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмаслигини, шунингдек, таъқибдан ҳимоя қилинишини таъминлайди.

4.9. Жамият алоҳида ҳолатларда, ариза берувчилар жамиятга нисбатан четдан тахмин қилинаётган меъёрларга ҳилоф ҳаракатлар бўлиши мумкинлиги ҳақида хабар беришларини таъминлайди. Бундай ташқи хабардор қилиш ушбу Сиёсатда назарда тутилган ҳимоя билан таъминланиши учун ушбу хабар қўйидагиларнинг олдини олиш учун зарур: жамоат хавфсизлиги ёки саломатлигига жиддий таҳдидни юзага келишини;

жамият фаолиятига жиддий зиён ёки миллий ва халқаро ҳуқуқнинг бузилишини.

4.10. Ташқи хабарни тақдим этишга қарор қилган шахс, агар ушбу шахс бу ҳақида аноним равишда хабар бермаган бўлса, ушбу Сиёсатга мувофиқ ҳимоянинг таъминланишини учун юқоридаги шартларга қатъий риоя қилиши лозим.

4.11. Жамият ҳимоя қилинадиган фаолият билан шуғулланадиган ариза берувчиларни таъқиб қилинишини тақиқлайди. Агар ходимлар томонидан таъқиблар аниқланса, интизомий жазога олиб келиши мумкин бўлган нотўғри хатти-ҳаракатлар сифатида баҳоланади.

4.12. Ўзига нисбатан таъқиб чоралари қўлланган деб ҳисоблаган ҳар қандай ариза берувчи юқорида кўрсатилган хабар бериш каналларидан фойдаланган ҳолда таъқиб қилинаётгани ҳақидаги даъвони тасдиқловчи барча маълумотлар ва ҳужжатларни Коррупцияга қарши ички назорат бўлимига тақдим этиши керак. Коррупцияга қарши ички назорат бўлими ваколат доирасида таъқибнинг олдини олиш, шунингдек, ариза берувчи билан алоқани сақлаб туриш ва хабар қилиш жараёни ҳақидаги маълумотларни янгиланишини таъминлайди.

5. Жалб қилинган ходимларнинг ҳуқуқлари

5.1. Хабар предмети бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган ходимлар, агар бундай хабарнома вазиятни аниқлаштиришга тўсқинлик қилмаса, уларга қўйилган айбловлар тўғрисида дарҳол хабардор қилиниши керак.

5.2. Қоидабузарликлар ҳақида хабар бериш ва кейинги тартиб-таомиллар шахсий маълумотларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу маълумотлар амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган қоидаларга мувофиқ кўриб чиқилади.

5.3. Ушбу Сиёсат учун масъул бўлим Коррупцияга қарши ички назорат бўлими ҳисобланади. Коррупцияга қарши ички назорат бўлими Сиёсатнинг долзарблигини таъминлаш ва илғор тажрибаларни намоиш этиш учун жавобгардир. Ваколатли ходим Сиёсатнинг самарали қўлланилишини таъминлаш учун масъулдир.

5.4. Ҳар бир раҳбар ўзининг функционал жавобгарлиги доирасида ушбу Сиёсатга риоя қилиши, намуна бўлиши ва қўл остидаги ходимларга кўрсатмалар бериши шарт.

**6. Қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш сиёсати
меъёрларига амал қилиниши устидан назорати**

6.1. Коррупцияга қарши ички назорат бўлими Сиёсатни камида икки йилда бир марта ёки заруратга кўра вақти-вақти билан Сиёсатнинг мақсадлари йўлида зарур ўзгаришлар ва қўшимчаларни аниқлаш, шунингдек, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва ички сиёсатга, жамиятнинг тартиб-таомилларига мувофиқлигини таъминлаш учун қайта кўриб чиқади.

6.2. Сиёсатга киритиладиган ҳар қандай ўзгаришлар Кузатув кенгашининг Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тавсиясига биноан Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.